
ЯНА БИР ЮКСАК УНВОН МУБОРАК, БЎЛСИН!

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги алоҳида хизматлари, кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, хусусан, Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришгани, терма жамоамиз сафида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги самарали ва ибратли фаолияти учун бир қатор Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийларни тақдирлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра, Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси Риштонлик Ахматхонова Дилафрузхон Воккосхоновна “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Барча тумандошларимизни ушбу юксак унвон билан табриклаймиз.

2021-09-10 18:59:10